

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.01.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУВАЛИЕВА ИҚБОЛХОН ХОЛМУРОД ҚИЗИ

**МИОКАРД ИНФАРКТИДА БУЙРАК ЗАРАРЛАНИШИНИНГ
ЛАБОРАТОР МАРКЕРЛАРИНИ СОЛИШТИРМА ЎРГАНИШ ВА
РЕНАЛ ДИСФУНКЦИЯНИ ЭРТА ТАШҲИСЛАШ**

**14.00.25 – Клиник лаборатор ва функционал диагностика
14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абдувалиева Иқболхон Холмурод кизи

Миокард инфарктида буйрак зарарланишининг
лаборатор маркерларини солиштирма ўрганиш ва
ренал дисфункцияни эрта ташхислаш..... 3

Абдувалиева Иқболхон Холмурод кизи

Сравнительное исследование лабораторных маркеров
поражения почек при инфаркте миокарда и
ранней диагностики почечной дисфункции..... 23

Abduvalieva Ikbolkhon Kholmurod kizi

Comparative study of laboratory markers of renal
failure in myocardial infarction and early
diagnosis of renal dysfunction..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.01.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУВАЛИЕВА ИҚБОЛХОН ХОЛМУРОД ҚИЗИ

**МИОКАРД ИНФАРКТИДА БУЙРАК ЗАРАРЛАНИШИНИНГ
ЛАБОРАТОР МАРКЕРЛАРИНИ СОЛИШТИРМА ЎРГАНИШ ВА
РЕНАЛ ДИСФУНКЦИЯНИ ЭРТА ТАШХИСЛАШ**

**14.00.25 – Клиник лаборатор ва функционал диагностика
14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.2.PhD/Tib4675 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashmeduni.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Мухамедова Нурхон Халимовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Гадаев Абдигаффар Гадаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Арипов Орифжон Абдумаликович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Туляганова Дилдора Каримовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.01.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашининг 2026 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: info@tashmeduni.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2026 йил «_____» _____ да тарқатилди.

(2026 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.А. Хамраев

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш **раиси**, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.Н. Арипов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Юрак ишемик касаллиги юрак-қон томир тизими касалликлари орасида бутун дунё миқёсида ногиронлик ва ўлимнинг асосий сабабларидан бири сифатида етакчи ўринни эгаллаб, бугунги кунда замонавий тиббиёт олдида турган энг долзарб глобал муаммолардан бири ҳисобланади¹. Юрак ишемик касаллигининг клиник шаклларида бири бўлган миокард инфаркти тўсатдан ривожланиши, унинг клиник белгилари ва даволаш стандартлари етарлича ўрганилган бўлишига қарамадан, ушбу оғир ҳолатга олиб келувчи хавф омиллари ҳамда бошқа ички аъзолар зарарланишини тадқиқ этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади. Миокард инфаркти ривожланишида буйракнинг ўткир зарарланиши муҳим ва клиник аҳамиятга эга бўлган бўлган оғир асоратлардан бири ҳисобланиб, адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра, у 10–60% ҳолатларда кузатилади².

Жаҳонда миокард инфарктида ўткир буйрак зарарланишининг патогенетик механизмларини ўрганиш ва уни эрта аниқлаш мақсадида ишончли биомаркерларни излашга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Сўнги йилларда юқори сезувчан ва специфик биомаркерлар — цистатин С, KIM-1 ва NGAL ни қўллаш буйракдаги ўзгаришларни эрта босқичда аниқлаш имконини яратмоқда. Бироқ ушбу маркерларнинг бошқа касалликларда, жумладан буйрак дисфункцияси мавжуд ҳолатларда ҳам меъёрдан ошиши қайд этилган. Шу нуқтаи назардан, мазкур биомаркерларни ўзаро боғлиқликда комплекс ўрганиш миокард инфарктида ўткир буйрак зарарланишини ишончли тасдиқлашда муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Республикамызда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, уни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳоли орасида турли даражадаги сурункали касалликлар тарқалишини камайтириш ва олдини олишга қаратилган қатор ишлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бу борада «...кўрсатилаётган тиббий хизматларни аҳолига янада яқинлаштириш ва қулайлигини ошириш мақсадида республика ҳудудларида тиббиёт кластерларини ташкил этиш. Жаҳон стандартлари асосида менежмент ва тиббий хизматлар сифатини бошқаришнинг энг намунали амалиётларини жорий этишни таъминлайдиган замонавий бошқарув тизимини шакллантириш...»³ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида турли даражадаги юрак қон томир касалликларни тарқалиши, клиник-патогенетик жиҳатларини ташхислашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ҳамда сифатли тиббий хизмат кўрсатишда илғор технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали хасталиклар

¹ Virani SS, Alonso A, Aparicio HJ, et al. Heart Disease and Stroke Statistics - 2021 Update: A Report From the American Heart Association. *Circulation*. 2021;143(8):e254-e743. 26-1

² Авдошина С.В., Виллевалде С.В., Ефремовцева М.А., Кобалава Ж.Д. Значение биомаркеров в диагностике и определении прогноза острого почечного повреждения у больных с острым коронарным синдромом без подъема сегмента ST. *Вестник Российского университета дружбы народов*. 2014; (2): 92—5.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

асоратлари натижасида юзага келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш имконини беради.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сонли «Янги Ўзбекистонни 2022-2026-йилларда ривожлантириш стратегияси тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сонли «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁴. Сўнгги йилларда миокард инфарктида буйрак зарарланишининг лаборатор маркерларини солиштирма ўрганиш ва ренал дисфункцияни эрта ташхислашга қаратилган кенг қамровли тадқиқотлар халқаро миқёсдаги нуфузли илмий-тадқиқот марказлари ва университетлар томонидан амалга оширилмоқда. Хусусан, миокард инфарктида ренал дисфункцияни эрта баҳолаш соҳасида қуйидаги ташкилотлар илмий фаолият юритмоқда: American College of Rheumatology (АҚШ), Oxford University (АҚШ), University of California (АҚШ), Weill Cornell medical college of Cornell University (АҚШ), Department of public health Sciences (АҚШ); Harvard Medical School (АҚШ), University of Melbourne (Австралия), Paulista University (Бразилия), University of Miami (Маями), Universitat de Barcelona (Испания), Imperial College London (Буюк Британия), University of Edinburgh (Буюк Британия), University of Zurich (Швейцария), University of Copenhagen (Дания), Seoul National University (Корея), Сеченов номидаги Москва давлат биринчи тиббиёт университети (Россия Федерацияси), Қозон давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси), Тошкент давлат тиббиёт университети (Ўзбекистон).

ЮИК юрак-қон томир хасталиклари орасида бутун дунёда ногиронлик ҳамда ўлимни етакчи сабабчиси ҳисобланади ва тиббиётни глобал муаммоси саналади [Virani SS, Alonso A, 2021]. Республикамизда ҳам ушбу касалликлар сўнгги йилларда 40-50% ҳолларда ўлимга олиб келади. Бутун жаҳонда, шу жумладан, мамлакатимизда ҳам ЮИК замонавий даволаш усуллари жорий этилиши натижасида ундан ўлим ҳолати камайиб, аҳоли умр кўриш давомийлиги узайишига олиб келди. Бу ҳолатни ўзи эса юрак-қон томир

⁴ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://oxford.university-guides.com>, www.washington.edu, <https://www.universityofcalifornia.edu>, <http://weill.cornell.edu>, <http://upci.upmc.edu>, <http://publichealth.med.miami.edu>, <https://www.mrc.ac.uk>, <http://www.ssmu.ru>, <http://www.ksma.ru>, <http://www.rudn.ru>, <http://patient.ncagp.ru>, <http://www.tma.uz> ва бошқа манбаалар.

касалликларини кўпайишига ҳамда коморбидликни ошишига сабаб бўлмоқда. Бошқача қилиб айтганда аҳоли ҳаёт давомийлиги ўзайиши билан параллел равишда ЮИК ҳам кўпайиб бормоқда [Khan MA, Hashim MJ., 2020].

Global Burden тадқиқотлари маълумотларига кўра, жаҳонда тахминан 126 миллион киши (ҳар 100 минг аҳолига 1655 нафар) юрак ишемик касаллиги билан яшамоқда, бу эса сайёра аҳолисининг 1,72% ни ташкил этади ва касалликнинг глобал юкламаси юқорилигини кўрсатади. Европада ушбу патологиянинг тарқалиши ва у билан боғлиқ ногиронлик кўрсаткичлари ҳар 100 минг аҳолига мос равишда 3547 ва 3771 ни ташкил этган ҳолда, унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини янада оширади. АҚШда мазкур кўрсаткичлар мос равишда 292,9 ва 2470 ни ташкил этади. Россия Федерациясида эса юрак ишемик касаллигининг тарқалиши ва ногиронлик даражаси янада юқори бўлиб, ҳар 100 минг аҳолига мос равишда 4129 ва 6758 га тенг экани қайд этилган [Khan M.A., Hashim M.J., 2020].

Маълумки, ЮИК клиник шаклларида бири ҳисобланган миокард инфаркти, тўсатдан юзага келади, унинг белгилари яхши ўрганилган ва турли клиник шаклларида даволаш стандартлари яратилган. Бундай ҳолатда унга олиб келувчи хавф омилларини ва ушбу оғир касалликда бошқа ички аъзоларнинг зарарланишини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга [Thygesen K, 2019]. Миокард инфарктида буйракнинг ўткир зарарланиши оғир асорат ҳисобланади ва адабиётлардаги маълумотларга кўра 10-60% ҳолатларда кузатилади. Унинг кўшилиши касалликни оғир кечишига, ўлим хавфини ошишига ва даволашга кетадиган ҳаракатларни кўпайишига олиб келади [Авдошина С.В., 2014].

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда олиб борилган кузатувлар миокард инфарктида ривожланувчи ўткир буйрак зарарланиши касалликнинг яқин ва узоқ муддатли натижаларига салбий таъсир кўрсатувчи муҳим хавф омилли эканлигини кўрсатмоқда. Хусусан, ўткир буйрак зарарланишининг енгил шаклида ўн йил давомида миокард инфарктидан ўлим 15% ни ташкил этган бўлса, ўрта оғир даражасида 23% ва оғир даражасида 33% гача етгани қайд этилган [Мензоров М.В., 2012]. Бу эса буйрак дисфункцияси миокард инфаркти прогнозини сезиларли даражада ёмонлаштиришини тасдиқлайди.

Айрим тадқиқотларда қонда креатинин кўрсаткичлари меъёр доирасида бўлган ҳолларда ҳам миокард инфарктининг ўткир даврида буйрак дисфункцияси мавжудлиги аниқланган. Бу ҳолатда қон ва пешобдаги буйрак зарарланиш маркери-1 (КІМ-1) ҳамда интерлейкин-18 ишончли диагностик кўрсаткичлар сифатида тавсифланган [Демчук О.В., 2023]. Шунингдек, миокард инфарктига чалинган беморларда буйрак зарарланиш маркерлари билан юрак маркерлари ўртасида маълум ўзаро боғлиқлик аниқланган: хусусан, КІМ-1 кўрсаткичи тропонин ва мия натрийуретик пептиди билан мусбат, коптокчалар фильтрацияси билан эса манфий корреляцияга эга эканлиги кўрсатилган.

КІМ-1 трансмембранал липопроteid бўлиб, молекуляр оғирлиги тахминан 90 кДа ни ташкил этади ва ўз таркибида муцин ҳамда иммуноглобулин доменларини сақлайди. У физиологик шароитда соғлом буйракларда деярли экспрессияланмайди, аммо ишемиядан кейин проксимал каналчаларда унинг экспрессияси кескин ортиб, хужайрадан ташқари домени

пешобда осон аниқланади [Bonventre J.V., 2014]. Бу хусусият уни ишемик типдаги буйрак зарарланишининг эрта маркери сифатида аҳамиятли қилади.

Замонавий қарашларга кўра, юрак тропонинлари, айниқса ультра юқори сезувчан синамалар қўлланилганда, соғлом шахсларда қон зардобида 99-перцентилдан паст даражада аниқланади ва миокард метаболизмининг меъёрий маҳсулоти сифатида қаралади [Крикунова О.В., 2016]. Шу билан бирга, миокард инфарктининг ўткир даврида буйрак дисфункциясининг патогенетик механизмлари ва уни эрта ташхислаш имкониятлари ҳали тўлиқ ўрганилмаган бўлиб, мазкур муаммони чуқур тадқиқ этиш долзарб илмий вазифалардан бири ҳисобланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат тиббиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №011500214 «Асосий касалликларни ташхислаш ва даволаш, олдини олишнинг янги рационал усулларини ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади миокард инфарктининг ўткир даврида буйрак коптокчалари ва каналчаларида юзага келувчи ўзгаришларни креатинин, цистатин С, нейтрофил желатиназага боғлиқ липокалин (NGAL) ва буйрак зарарланиши молекуласи-1 (KIM-1) кўрсаткичлари асосида солиштирма таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

миокард инфарктининг ўткир даврида буйракнинг ўткир зарарланишини баҳолаш мақсадида қон зардобида креатинин ва цистатин С даражаларини ҳамда улар асосида ҳисобланган коптокчалар фильтрацияси тезлигини баҳолаш;

миокард инфарктининг ўткир даврида NGAL ва KIM-1 кўрсаткичларининг диагностик аҳамиятини солиштирма таҳлил қилиш;

миокард инфарктининг ўткир даврида креатинин, цистатин С, NGAL ва KIM-1 кўрсаткичларининг қондаги тропонин даражаси билан ўзаро боғлиқлигини асослаш;

миокард инфарктининг ўткир даврида чап қоринчанинг қон отиш фракцияси билан цистатин С, NGAL ва KIM-1 кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик даражасини аниқлаш;

миокард инфаркти ўтказган беморларда динамикада буйрак дисфункцияси маркерларининг ўзгариш хусусиятларини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент давлат тиббиёт университетининг кўп тармоқли клиникасининг кардиореанимация ва кардиология бўлимида миокард инфаркти ташхиси билан даволанаётган 90 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморларнинг қон зардобиди, пешоб таҳлили, электрокардиография, юрак эхокардиографияси ҳамда ультратовуш текширувлар динамикасининг объектив кўрсаткичларини баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, биокимёвий, иммунологик, асбобий (электрокардиография, юрак эхокардиографияси, ультратовуш текширув) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

миокард инфарктининг ўткир даврида ўткир буйрак зарарланишининг эрта шаклланиши NGAL кўрсаткичларининг ошиши билан намоён бўлиши аниқланган;

миокард инфарктининг ўткир даврида ўткир буйрак зарарланишини эрта аниқлашда NGAL энг ишончли биомаркер эканлиги аниқланиб, KIM-1 ва цистатин С ҳам аҳамиятли бўлишига қарамасдан, уларнинг сезгирлиги ва махсуслиги NGAL га нисбатан пастроқ эканлиги кўрсатилган;

миокард инфарктининг ўткир даврида қон зардобдаги тропонин даражаси билан NGAL ўртасида кучли, KIM-1 ва цистатин С билан эса ўртача даражада ишончли мусбат корреляцион муносабатнинг мавжудлиги кардиоренал ўзгаришларнинг ўзаро боғлиқ эканлигини асослаган;

миокард инфаркти ўтказган беморларда стандарт даволаш таркибида ангиотензин айлантирувчи фермент ингибиторлари ва ангиотензин рецепторлари антагонистларини қўллаш ўткир буйрак дисфункцияси кўрсаткичларининг камайиши билан боғлиқлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўткир миокард инфарктида буйрак дисфункциясини эрта ташхислаш мақсадида қон ва сийдикда NGAL ҳамда KIM-1 ни аниқлаш мақсадга мувофиқ эканлиги асосланган;

тропонин даражасининг юқори бўлиши сийдикда NGAL ва KIM-1 миқдорининг ошиши билан боғлиқ эканлиги аниқланиб, ўткир буйрак зарарланишининг билвосита белгиси сифатида қўлланилиши мумкинлиги изоҳланган;

креатинин ва цистатин С кўрсаткичларини NGAL ва KIM-1 билан биргаликда баҳолаш буйрак дисфункциясини эрта босқичда аниқлаш имконини бериши аниқланган;

чап қоринчанинг қон отиш фракцияси билан буйрак дисфункцияси маркерлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни баҳолаш бемор ҳолатини комплекс баҳолашда аҳамиятга эга эканлиги тасдиқланган;

миокард инфаркти ўтказган беморларда стандарт даволаш таркибида ангиотензин айлантирувчи фермент ингибиторлари ва ангиотензин рецепторлари антагонистларини қўллаш буйрак дисфункцияси кўрсаткичларининг камайишига олиб келиши мумкинлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқотни амалга оширишда қўлланилган барча ёндашувлар, олиб борилган тадқиқотда фойдаланилган усулларнинг кенг ахборот бериш имкониятига эга эканлиги, назарий ва амалий жиҳатдан аниқлиги, тадқиқот объектларининг етарлилиги, замонавий ташхислаш усулларнинг қўлланилганлиги, ўзаро бир бирини тўлдирувчи клиник, анамнестик, биокимёвий, инструментал ҳамда статистик усулларига таянганлиги, олинган маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шу билан бирга, тадқиқот давомида олинган натижаларнинг маҳаллий ва хорижий илмий изланишлар билан солиштирилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти миокард инфарктининг ўткир даврида буйрак дисфункциясини эрта аниқлашда NGAL, KIM-1 ва цистатин С биомаркерларининг диагностик қийматини баҳолаш, уларнинг тропонин ва чап қоринча қон отиш фракцияси билан ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш ҳамда кардиоренал ўзгаришларни комплекс баҳолаш имкониятларини асослаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти миокард инфаркти ўтказган беморларда буйрак дисфункциясини эрта ташхислаш орқали даволаш тактикасини ўз вақтида оптималлаштириш, асоратлар ривожланиш хавфини камайтириш ва стандарт терапия таркибидаги ангиотензин айлантитувчи фермент ингибиторлари ҳамда ангиотензин рецепторлари антагонистларини қўллаш самарадорлигини баҳолаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Миокард инфарктида буйрак зарарланишининг лаборатор маркерларини солиштирма ўрганиш ва ренал дисфункцияни эрта ташхислаш бўйича олинган натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: миокард инфарктининг ўткир даврида ўткир буйрак зарарланишининг эрта шаклланиши NGAL кўрсаткичларининг ошиши билан намоён бўлиши исботланган Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 34-оилавий поликлиникасининг 30.11.2025-йилдаги 155-сонли буйруғи, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри Мао-Мед хусусий клиникасининг 30.11.2025- йилдаги 73-сонли буйруғи, Андижон давлат тиббиёт институти Ю.Отабеков номли клиникасининг 13.11.2025 йил 155-сонли буйруғи билан клиник амалиётига жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2025- йил 17-декабрдаги №31/35сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: миокард инфарктининг ўткир даврида ўткир буйрак зарарланишининг эрта шаклланиши NGAL кўрсаткичларининг ошиши билан намоён бўлишини аниқлаш орқали, беморларда буйрак дисфункциясини эрта босқичда ташхислаш, юқори хавфли ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш ва кардиоренал асоратларнинг олдини олишга қаратилган мақсадли даволаш чораларини амалга ошириш имкони яратилади. Иқтисодий самарадорлиги: ўткир буйрак зарарланишини NGAL ёрдамида эрта аниқлаш орқали касаллик асоратларининг оғирлашишини камайтириш, шифохонада даволаниш муддатини қисқартириш ва қўшимча диагностик ҳамда даволаш харажатларини камайтириш ҳисобига соғлиқни сақлаш тизими учун маблағ тежалишига эришилади. Хулоса: миокард инфарктида ўткир буйрак зарарланишининг NGAL орқали эрта аниқланиши бемор ҳолатини прогностлаш, даволаш тактикасини ўз вақтида оптималлаштириш ҳамда кардиоренал асоратларни камайтириш орқали беморларнинг ҳаёт сифати ва меҳнатга лаёқатлилигини сақлаб қолиш имконини беради;

иккинчи илмий янгилик: миокард инфарктининг ўткир даврида ўткир буйрак зарарланишини эрта аниқлашда NGAL энг ишончли биомаркер эканлиги аниқланиб, KIM-1 ва цистатин С ҳам аҳамиятли бўлишига қарамасдан, уларнинг сезгирлиги ва махсуслиги NGAL га нисбатан пастроқ эканлиги аниқланганлиги Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 34-оилавий поликлиникасининг 30.11.2025-йилдаги 155-сонли буйруғи, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри Мао-Мед хусусий

клиникасининг 30.11.2025- йилдаги 73-сонли буйруғи, Андижон давлат тиббиёт институти Ю.Отабеков номли клиникасининг 13.11.2025 йил 155-сонли буйруғи билан клиник амалиётига жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2025- йил 17-декабрдаги №31/35сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: миокард инфарктининг ўткир даврида ўткир буйрак зарарланишини эрта аниқлашда NGAL энг ишончли биомаркер сифатида қўлланилиши орқали беморларда буйрак дисфункциясини ўз вақтида ташхислаш, асоратлар ривожланиш хавфини камайтириш ва даволаш самарадорлигини ошириш имкони яратилган. Иқтисодий самарадорлиги: NGAL ни устувор диагностик маркер сифатида жорий этиш орқали ортиқча ва кам самарали лаборатор текширувларни қисқартириш, касалликнинг оғирлашиш ҳолатларини камайтириш ва шифохонада даволаниш муддатини қисқартириш ҳисобига соғлиқни сақлаш тизими учун маблағ тежалишига эришилган. Хулоса: миокард инфарктида ўткир буйрак зарарланишини эрта аниқлашда NGAL ни қўллаш ташхис қўйиш аниқлигини ошириш, даволаш тактикасини ўз вақтида тўғрилаш ва беморларда кардиоренал асоратларнинг ривожланишини камайтириш имконини берган;

учинчи илмий янгилик: миокард инфарктининг ўткир даврида қон зардобидаги тропонин даражаси билан NGAL ўртасида кучли, КИМ-1 ва цистатин С билан эса ўртача даражада ишончли мусбат корреляцион муносабатнинг мавжудлиги кардиоренал ўзгаришларнинг ўзаро боғлиқ эканлиги асосланганлиги Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 34-оилавий поликлиникасининг 30.11.2025- йилдаги 155-сонли буйруғи, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри Мао-Мед хусусий клиникасининг 30.11.2025- йилдаги 73-сонли буйруғи, Андижон давлат тиббиёт институти Ю.Отабеков номли клиникасининг 13.11.2025 йил 155-сонли буйруғи билан клиник амалиётига жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2025- йил 17-декабрдаги №31/35сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: миокард инфарктининг ўткир даврида тропонин билан NGAL, КИМ-1 ва цистатин С ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш орқали юрак ва буйрак функционал ўзгаришларини комплекс баҳолаш, кардиоренал асоратларни эрта аниқлаш ва бемор ҳолатини прогнозлаш имкони яратилган. Иқтисодий самарадорлиги: тропонин ва буйрак зарарланиши маркерлари ўртасидаги боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда диагностика алгоритмининг оптималлаштириш орқали кўшимча текширувларга эҳтиёжни камайтириш, асоратларнинг олдини олиш ва шифохонада даволаниш харажатларини қисқартиришга эришилган. Хулоса: тропонин ва буйрак зарарланиши биомаркерлари ўртасидаги корреляцион боғлиқликни аниқлаш кардиоренал ўзгаришларни эрта баҳолаш, даволаш тактикасини ўз вақтида тўғрилаш ва беморларда асоратлар ривожланиш хавфини камайтириш имконини берган;

тўртинчи илмий янгилик: миокард инфаркти ўтказган беморларда стандарт даволаш таркибида ангиотензин айлантирувчи фермент ингибиторлари ва ангиотензин рецепторлари антагонистларини қўллаш ўткир буйрак дисфункцияси кўрсаткичларининг камайиши билан боғлиқлиги аниқланганлиги Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 34-оилавий поликлиникасининг 30.11.2025-йилдаги 155-сонли буйруғи, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри Мао-Мед хусусий клиникасининг

30.11.2025- йилдаги 73-сонли буйруғи, Андижон давлат тиббиёт институти Ю.Отабеков номли клиникасининг 13.11.2025 йил 155-сонли буйруғи билан клиник амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2025- йил 17-декабрдаги №31/35сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: миокард инфаркти ўтказган беморларда стандарт даволаш таркибида ангиотензин айлантирувчи фермент ингибиторлари ва ангиотензин рецепторлари антагонистларини қўллаш ўткир буйрак дисфункциясининг камайишига хизмат қилиб, кардиоренал асоратларнинг олдини олиш ва беморларнинг клиник ҳолатини барқарорлаштириш имконини яратилган. Иқтисодий самарадорлиги: мазкур дори воситаларини қўллаш орқали буйрак дисфункцияси оғирлашишининг камайиши, қўшимча даволаш тадбирларига эҳтиёжнинг қисқариши ва стационар даволаниш муддатининг камайиши ҳисобига соғлиқни сақлаш тизими учун харажатларни камайтиришга эришилган. Хулоса: ангиотензин айлантирувчи фермент ингибиторлари ва ангиотензин рецепторлари антагонистларини стандарт терапия таркибида қўллаш миокард инфарктида буйрак дисфункциясини камайтириш, даволаш самарадорлигини ошириш ва беморларда асоратлар ривожланиш хавфини пасайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 2 таси маҳаллий ва 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи **адабиётлар шарҳи** бобида фойдаланилган адабиётлар таҳлили келтирилган. Муаммонинг замонавий ҳолати бўйича маҳаллий ва хорижий адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган. Бу бобда улардаги маълумотлар умумлаштирилган ва муаммонинг долзарблиги асосланган.

Диссертациянинг «**Материал ва усуллар**» деб номланган иккинчи бобида объект, предметлар ва тадқиқотда қўлланилган статистик усуллар келтирилган. Ушбу тадқиқот ишига 2024-йилда Тошкент тиббиёт академияси

кўп тармоқли клиникаси кардиореанимация бўлимида даволанган ўткир миокард инфаркти ташхиси қўйилган 60 нафар беморлар асосий гуруҳ ва кардиология бўлимида турғун зўриқиш стенокардиясининг III-IV функционал синфлари аниқланган 30 нафар беморлар эса назорат гуруҳига жалб қилинди.

Асосий гуруҳ беморларининг 38 нафари (63.3%) эркаклар ва 22 нафари (36.7%) аёллар эди. Ўртача ёши 60.5 ± 7.4 ни ташкил этди. Назорат гуруҳига 16 нафар эркаклар ва 14 нафар аёллар кузатувга олинди ҳамда уларнинг ўртача ёши 63.6 ± 5.9 йилга тенг бўлди.

Асосий гуруҳ беморлар ҳам ўз навбатида электрокардиография ўзгаришларидан келиб чиққан ҳолда иккита кичик гуруҳларга ажратилди. I гуруҳ электрокардиографияда S-T сегменти элевацияси кузатилган 32 нафар беморлардан иборат бўлиб, уларнинг ўртача ёшлари 57.4 ± 3.68 га тенг эди. Улардан эркаклар 23 ва аёллар 9 нафарни ташкил этди. II гуруҳ 28 нафар электрокардиографияда S-T сегменти элевацияси кузатилмаган беморлардан иборат бўлиб, уларнинг ўртача ёшлари 63.8 ± 2.87 (аёллар 13 нафар, эркаклар эса 15 та) га тенг бўлди. Беморларга ўткир миокард инфаркти стандарт давоси (антиишемик, ААФИ ёки сақубитрил/валсартан, β -блокаторлар, статин, антиагрегантлар, антикоагулянтлар) буюрилди. Назорат гуруҳига 30 нафар турғун зўриқиш стенокардиясининг III-IV функционал синфлари аниқланган беморлар кузатувга олинди. Ушбу гуруҳ беморлар юрак ишемик касаллигининг стандарт давосини қабул қилдилар.

Илмий тадқиқотдан олинган маълумотларга статистик ишлов беришда SPSS 25.0 (SPSS Inc., Chicago, IL) пакетли компьютер дастури ишлатилди. Жадвалларда келтирилган барча кўрсаткичларнинг ўртача стандарт ва арифметик оғишлари ($M \pm m$ формула асосида) ҳисобланилди. Категориал ўзгарувчилар сон сифатида кўрсатилган (фоизларда) Фишер тести ёрдамида баҳоланди. Пирсон корреляцион коэффицентини қўллаш ёрдамида корреляцион таҳлил ва унинг аҳамиятини эса ишончлилиқ жадваллари асосида аниқланди. Ўткир буйрак етишмовчилиги маркерлари ва тропонин кўрсаткичларини ўзаро боғлиқлик даражасини аниқлаш учун кўп омилли кадам-бақадам ўтказилган регрессион таҳлилдан фойдаланилди.

Диссертациянинг учинчи бобида **«Тадқиқотга жалб қилинган беморларда аниқланган дастлабки лаборатор-асбобий текширув натижалари»** келтирилган. Тадқиқотимизга 2024-йилда Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси кардиореанимация бўлимида даволанган ўткир миокард инфаркти ташхиси қўйилган 60 нафар беморлар асосий гуруҳ ҳамда кардиология бўлимида турғун зўриқиш стенокардиясининг III-IV функционал синфлари ташхиси аниқланган 30 нафар беморлар назорат гуруҳига жалб қилинди.

Унинг дастлабки босқичида асосий ва назорат гуруҳидаги беморларни ёши, жинси, анамнези, объектив текшириш натижалари ва қатор лаборатор-асбобий текшириш кўрсаткичлари ўзаро солиштирма ўрганилди. Асосий гуруҳда беморларнинг ўртача ёши 60.5 ± 7.4 йилни ташкил этди. Жинс бўйича солиштирилганда эркаклар 38 (63.3%) нафар бўлиб, уларнинг ўртача ёши 58.4 ± 6.9 йил ва аёллар 22 (36.7%) нафар ҳамда ўртача ёши 66.5 ± 7.6 йилга тенг

бўлди. Назорат гуруҳига жалб қилинганларнинг ўртача ёши 63.6 ± 5.9 йил, эркеклар 16 (53.3%) ва аёллар 14 (46.7%) нафардан иборат бўлди. Улар ўзаро солиштирилганда ишончли фарқ ($p > 0.05$) аниқланмади.

Асосий гуруҳдаги беморларда касалликнинг клиник белгилари бошлангандан сўнг шифохонага ётқизилгунга қадар бўлган вақт 6.2 ± 2.7 соатни ташкил этди. Назорат гуруҳидаги беморлар эса режали равишда шифохонага мурожаат қилган шахслардан иборат бўлди. Систолик ва диастолик қон босими кўрсаткичларида ҳам гуруҳлар ўртасида ишончли фарқ ($p > 0.05$) кузатилмади.

Асосий гуруҳда юрак ишемик касаллиги бўйича наслий мойиллик 26 (43.3%), артериал гипертензия 42 (70%), сурункали буйрак касаллиги 9 (15%), аввал ўтказилган миокард инфаркти 13 (21.6%), қандли диабет 17 (28.3%) нафар беморларда қайд этилди. Ортиқча тана вазни ва семизликнинг турли даражалари жами 70% (42 нафар) кузатувдагиларда аниқланди.

Назорат гуруҳида ҳам ушбу кўрсаткичлар таҳлил қилинганда наслий мойиллик 17 (56.7%), қандли диабет 10 (33.3%) ва артериал гипертензия 24 (80%) та беморда кузатилди ва улар ўзаро солиштира ўрганилганда ишончли фарқ ($p > 0.05$) қайд этилмади. Сурункали буйрак касаллиги 11 (36,7%) ва аввал ўтказилган миокард инфаркти 18 (60%) нафар беморларда қайд этилиб асосий гуруҳ билан солиштирилганда юқори ишончли фарқ ($p < 0.001$) кузатилди.

Шунингдек, миокард инфарктининг асосий лаборатор кўрсаткичларидан бири бўлган кардиотропонин миқдори асосий гуруҳда ўртача 26.5 ± 2.4 нг/мл га, назорат гуруҳида эса референс кўрсаткичлар оралиғида, яъни 0.2 ± 0.04 нг/мл га тенг бўлди ва юқори ишончли фарқ ($p < 0.001$) аниқланди. Буйрак зарарланишининг муҳим ташхисий маркерларидан бири ҳисобланган креатинин миқдори миокард инфаркти кузатилганларда дастлаб 84.2 ± 4.63 мкмоль/л ни ташкил этиб, у орқали ҳисобланган коптокчалар филтрацияси тезлиги $1,72 \text{ м}^2$ тана сатҳига бир дақиқада 91 ± 4.13 мл эканлиги қайд этилди. Назорат гуруҳида креатинин миқдори 87.8 ± 3.63 мкмол/л ва ҳисобланган коптокчалар филтрацияси тезлиги $1,72 \text{ м}^2$ тана сатҳига бир дақиқада 88.4 ± 3.5 мл эканлиги кузатилди. Олинган натижалар ўзаро солиштирилганда ишончли фарқ ($p > 0.05$) аниқланмади.

Беморларнинг 53% (32 нафар) да S-T сегменти кўтарилиши билан ва 47% (28 нафар) да S-T сегменти элевациясиз миокард инфаркти аниқланди. Ўткир миокард инфаркти ривожланган ва S-T сегменти элевацияси кузатилган ва кузатилмаган беморларда ЭКГ таҳлили кўрсаткичлар ўзаро солиштира ўзганилганда, қатор ҳолатларда ишончли фарқ аниқланмади ($p > 0.05$). Лекин дислипидемия юқори бўлган ва чекувчи беморларда S-T сегмент элевацияли миокард инфаркти ишончли ($p < 0.05$) кўп учраши қайд этилди.

Сўнги йилларда тиббиётда ўткир буйрак шикастланишини аниқлашда NGAL, KIM-1 ва Cystatin- C каби биомаркерларнинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Бу биомаркерларнинг асосий афзалликлари уларнинг миқдорининг буйрак зарарланишини эрта босқичларда, яъни креатинин кўрсаткичлари ошишидан олдин қон зардобида ошиши ёки сийдик орқали ажралиши ҳисобланади. Юқоридагиларни инобатга олиб биз миокард инфаркти ўтказган

беморларда сийдикдаги NGAL, KIM-1 ва қон зардобидаги Cystatin-C кўрсаткичларини ўргандик ва қуйидаги 1-жадвалда улардан олинган натижаларни келтирилдик.


1-жадвал

Ўткир миокард инфаркти ривожланган беморларда ST сегмент ўзгаришига қараб лаборатор кўрсаткичларнинг ўзгариши

№	Кўрсаткичлар	ST сегмент элевацияси билан, n=32	ST сегмент элевациясиз, n=28	Назорат гуруҳи, n=30	P (1 ва 2 гуруҳлар фарқи)
1	NGAL, нг/мл	483.1±34.57	315.3±32.5	124.7±21.8	P ₁₋₂ <0.01, P ₁₋₃ <0.001 P ₂₋₃ <0.001
2	KIM 1, нг/мл	4.363±0.147	2.713±0.089	2.1±0.1	P ₁₋₂ <0.001, P ₁₋₃ <0.001 P ₂₋₃ <0.01
3	Cystatin C, мг/л	1.318±0.034	1.157±0.034	1.3±0.04	P ₁₋₂ <0.01, P ₁₋₃ >0.05 P ₂₋₃ <0.01


Юқоридаги жадвалда келтирилганидек, миокард инфаркти S-T сегменти элевацияси билан кечган беморларда сийдикда NGAL (липокаин 2) миқдори 483.1±34.57 нг/мл ва S-T элевация аниқланмаганларда унинг миқдори 315.3±32.5 нг/мл ни ташкил этди. Улар ўзаро солиштирилганда ишончли (P<0.01) статистик фарқ аниқланди. KIM-1 кўрсаткичлари биринчи гуруҳда 4.363±0.147 нг/мл ва иккинчи гуруҳда 2.713±0.089 нг/мл га тенг бўлди ҳамда улар орасида юқори (P<0.001) ишончли фарқ кузатилди. Қон зардобидаги Cystatin C кўрсаткичлари гуруҳлар орасида мос равишда 1.318±0.034 мг/л ва 1.157±0.034 мг/л бўлиб, ишончли (P<0.01) фарқ қайд этилди. Иккала гуруҳда ўткир буйрак зарарланиш даражасини баҳолаш мақсадида зардобдаги цистатин-С орқали ҳисобланган коптокчалар филтрацияси тезлиги ҳам баҳоланди. S-T сегменти элевацияси аниқланган беморларда коптокчалар филтрацияси тезлиги 1,72 м² тана сатҳига бир дақиқада 62±3.6 мл ва S-T сегменти элевацияси кузатилмаган беморларда 1,72 м² тана сатҳига бир дақиқада 70.5±4.2 мл га тенг бўлди. Улар ўзаро солиштира ўрганилганда статистик аҳамиятли фарқ аниқланмади.

Назорат гуруҳида сийдикда NGAL миқдори 124.7±21.8 нг/мл, KIM 1 кўрсаткичлари 2.1±0.1 нг/мл ва қон зардобида Cystatin C 1.3±0.04 нг/мл ни ташкил этди. Ушбу гуруҳ беморларда цистатин С кўрсаткичларининг юқорилиги беморларда кўпроқ сурункали буйрак касаллиги ривожланганлиги билан боғлаш мумкин. Шунингдек, миокард инфаркти аниқланган беморларда ўткир буйрак зарарланишининг учрашини, унинг оғирлик даражасини ва оқибатини башоратлаш мақсадида қон зардобидаги тропонин, эхокардиографиядаги ўзгаришларни (чап қоринча қон отиш фракцияси), ўткир буйрак зарарланиши маркерлари билан ўзаро боғлиқлигини корреляцион ва регрессион таҳлиллар ёрдамида баҳоладик.



1-расм. Ўткир миокард инфаркти ривожланган беморларда тропонин даражаси билан NGAL ва KIM-1 орасидаги корреляцион боғлиқлик

Юқоридаги 1-расмда ўткир миокард инфаркти мавжуд беморларда тропонин ва NGAL, KIM-1 орасида корреляцион боғлиқ тасвирланган. Расмда келтирилганидек, қон зардобидаги тропонин даражаси билан NGAL ($r=0.7$, $p<0.05$) орасида кучли мусбат корреляцион боғлиқлик мавжудлиги аниқланди. Аниқланган ушбу боғлиқлик тропонин кўрсаткичларининг юқорилиги ўткир буйрак зарарланишининг билвосита белгиларидан бири деб ҳисоблашга асос бўлади. Тропонин кўрсаткичлари билан KIM-1 ($r=0.6$, $p<0.05$) орасида ўртача кучли мусбат боғлиқлик қайд этилди. Олинган натижа тропонин кўрсаткичлари билан параллел равишда сийдикдаги буйрак ўткир зарарланишининг маркерларидан бири ҳисобланган KIM-1 нинг ошиб боришини тасдиқлайди.




2-расм. Миокард инфаркти аниқланган беморларда тропонин даражаси билан цистатин С ва чап қоринча қон отиш фракцияси орасидаги корреляцион боғлиқлик

Миокард инфаркти ривожланган беморлар қон зардобидаги цистатин-С билан тропонин орасида ($r=0.65$, $p<0.001$) ўртача кучли мусбат корреляцион боғлиқликлар мавжудлиги қайд этилди. Қон зардобидаги тропонин

кўрсаткичларининг юқорилиги миокард инфаркти оқибатида ривожланган гипокция натижасида беморлардаги мавжуд буйрак дисфункциясини янада оғирлашганлигидан далолат беради. Шунингдек, олиб борган тадқиқотимизда миокард инфаркти аниқланган беморларда қондаги тропонин кўрсаткичлари ва чап қоринча қон отиш фракцияси орасида ҳам боғлиқлик мавжудлигини кузатдик. Бу ҳолат тропонин ва чап қоринча қон отиш фракцияси орасида юқори ишончли ($r=-0.75$, $p<0.001$) манфий корреляцион боғлиқлик кўринишида қайд этилди (2-расм).

Олинган натижаларни эътиборга олиб, чап қоринча қон отиш фракцияси билан буйракнинг зарарланиш маркерлари орасидаги корреляцион боғлиқлик мавжуд эканлигини ҳам ўргандик. Қуйидаги 3-расмда чап қоринча қон отиш фракцияси ва NGAL ҳамда KIM-1 орасидаги корреляцион боғлиқлик келтирилган.



3-расм. Миокард инфаркти аниқланган беморларда чап қоринча қон отиш фракцияси ва NGAL орасидаги корреляцион боғлиқлик

